



Эй Одамлар, динда ғулувга кетишдан сақланинглр! Сизлардан олдингиларни динда ғулувга кетиш ҳалок қилди», дедилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ақба куни эрталаб туя устида ўтириб: «Тош териб келинг», – дедилар.

Еттита тош териб келдим. Нўхатдан каттароқ тошлар эди. Кафтларига олиб пуфлаб: «Шу кабиларни ирғитинглр», – дедилар. Сўнгра: «Эй Одамлар, динда ғулувга кетишдан сақланинглр! Сизлардан олдингиларни динда ғулувга кетиш ҳалок қилди», дедилар.

[Саҳиҳ] [Ибн Можа, Насоий ва Аҳмад ривояти]

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Ҳажжатул вадонинг Наҳр куни (Қурбон ҳайити куни) эрталаб жамратул ақбада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлганларини хабар бермоқдалар. У кишини ирғитиш учун тош териб келишга буюрдилар. Ибн Аббос еттита тош териб келдилар. Уларнинг биттаси нўхат ёки ўрмон ёнғоғи ҳажми каби эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларига қўйиб тебратиб: «Ҳажми шу кабиларни ирғитинглр», – дедилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дин ишларида ғулувга кетиш ва чекдан ошишдан қайтардилар. Олдинги умматларни динда чекдан ошиш ва ғулувга кетиш ҳалок қилди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3395>

